



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 05 (829)  
2023 йил  
2 февраль,  
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги олдиган

**“Менга не ишқу,  
не ошиқ ҳавасдур...”**

Буюк давлат арбоби, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг ҳам давлат миқёсида, ҳам ижод оламида амалга оширган беқиёс ишлари салкам олти асрки, авлодлар учун катта ҳаёт ва ижод мактаби вазифасини ўтаб келмоқда. Алишер Навоийнинг: “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топмаммон...” деган машҳур сатри бор. Ушбу теран, фалсафий мушоҳадаларга бой сатр шоир ҳаёти ва ижодининг негизини ташкил этади.

У ўзини англамаган, мақсад ва эътиқодда қатъий туролмайдиган инсонни ўзгалар англамаслигини таъкидлайди. Шоирнинг ушбу қарашлари ҳар бир вақт учун, ҳар бир инсон учун шиор бўла олади. Алишер Навоий давлат арбоби сифатида барчага намуна бўлди, ҳақгўйлиги ва адолатпарварлиги тиллардан тилларга кўчди. У вазир сифатида юрт

подшоши бўлмиш Хусайн Бойқаро-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади ва айни дамда халқпарварлиги билан унинг ишончини қозонди. Алишер Навоийнинг сиёсат, иқтисодиёт, муҳофаа соҳаларида ўз қарашларига эга бўлганлиги ва ушбу соҳаларни ривожлантиришга кўшган хиссаси, берган маслаҳатлари нафақат ўз замонасида, балки асрлар

оша ҳар бир замонда ўзига хос салмоққа эга. Хусайн Бойқаро Навоийнинг меҳнатларини муносиб баҳолаб, шоирга “амири кабир”, яъни катта амир унвонини берган. Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандий Алишер Навоийни давлат арбоби сифатида қуйидагича эътироф этади: “Бу улуг амир дину давлат ҳомийси, шарият ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир”. Шоир “Вақфия” асарига ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига яқун ясаб, ўз-ўзига ҳисоб берган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоий деҳқончилик ишларини ҳам йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришган.

(Давоми 7-саҳифада)



**ТУРКИСТОНЛИК —  
ШОНИМИЗ,  
ТУРОНЛИК —  
УНВОНИМИЗ**

**Қонга қоришган  
Мадҳия**

Пандемия пайтида ижтимоий тармоқда тарқалган қўшиқ оромимни ўғирлади. Туркий миллатлар санъаткорлари кечаги, бугунги дардимизни куйлаган. Айтган одамнинг бўғзини, эшитганнинг юрагини куйдиради. Мана битта сатри: “Тупроғига қон қоришмиш бир турк бор”.

Хаёлимда узоқ эмас, яқин ўтмиш гавдаланди. Яна бир қўшиқнинг сўзидан олдин оҳанги келди. Қани уни айтадиган мард. Мағзи пуч қўшиқларни эшитиб ўрганган кулоқларимиз уни қабул қилмасмиди, ё.

Турк бешиги — Туркистон!  
Ери олтун, тоғлари қон!  
Болалари қаҳрамон!  
Ватан учун берур жон.

Накорат  
Туркистонлик — шонимиз,  
туронлик — унвонимиз,  
Ватан — бизнинг жонимиз,  
фидо ўлсун қонимиз!

Тўғри англадингиз. Бу маърифатпарвар бобомиз Чўлпон ёзган мадҳия. Туркистон мухториятининг мадҳияси. Тупроғимизга қон билан қориштирилган қўшиқ бу. Ҳалигача она замин ингранди, тўлғонади. Ҳарорати тупроқни куйдиради. Ҳар бир сўзи битта қўшинга тенг қўшиқ. Афсус. Тупроққа қориштиришди. Ундан жасорат униб чиқишига қўйишмади. Бу қўшиқни ўлдириш учун қўшинлар саф тортди. Қиличлар, ханжарлар ишга тушди. Милтиқлар ишга тушди. Бўлмади. Сўз билан ўлдиришга жаллодларнинг фаҳми етди. 20 дан зиёд қўшин — Қизил армиянинг Туркистондаги ҳарбий матбуоти саф тортди.

(Давоми 4-саҳифада)

## МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОС

Ҳозирги кунда дунёда кечаётган сиёсий зиддиятлар, санкцияларни қўллаш, Россия энергия ресурслари харидини чеклаш энергия инқирозининг юзага келишига ва нархларнинг кескин тебранишига сабаб бўлди ҳамда бундай ҳолатлар оқибатларини бартараф этиши масаласини кун тартибига олиб чиқди.

Юзага келган вазият ушбу жараёнлар бошлангунга қадар Европа Иттифоқи бозорларига йилига 200 миллиард куб метрдан ортиқ газ ёқилғиси етказиб берган Россиянинг “Газпром” компанияси учун жиддий муаммоларни келтириб чиқарганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки газни қазиб олиш, узатиб бериш ҳамда қайта ишлаш узлуксиз жараён бўлиб, бутун бошли ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил қилади ва қазиб олинаётган газни “мурватни бураб”, тўхтатиб туриб бўлмайди. Айнан шу омил газ ишлаб чиқариш ва етказиб бериш логистикасини Ғарбдан Шарққа қараб буриш заруратини келтириб чиқарди, десак хато бўлмайди.

**Россия газини қаёққа  
бурмоқчи?**

Россиядаги асосий газ қазиб олувчи ташкилот — “Газпром” мутахассислари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг асосий талабгорлари энди Осиёда эканлигини аллақачон

англаб етишган. Шунинг учун ҳам газ қазиб олиш ва уни етказиб беришдаги асосий йўналиш — бу Шарқий Сибир. Лекин Россия газини Шарқий Сибирдан Хитойга етказиб бериш учун қўшимча қувватлар талаб этилади. Чунки “Сибир кучи” газ қувурининг қуввати Ғарбдан қайтган газ оқимини тўлиқ Шарққа йўналтириш имконини бермайди. “Сибир кучи-2” ни қуриш эса вақт ҳамда катта харажатларни талаб этади.

“Газпром” Европага экспорт қилаётган хажмдаги газни Хитой ва бошқа Осиёдаги давлатларга сиқилган табиий газ (СТГ) сифатида ҳам етказиб бериши мумкин. Лекин, ҳозирги санкциялар шароитида бу ишни ким, қачон ва қандай қилиб амалга оширади, деган табиий савол туғилади. Чунки СТГни катта хажмда олиш учун бу соҳага ихтисослашган “Новатек” компанияси олдида жиддий муаммолар юзага келган. Бу, энг аввало, зарур технологияларни Ғарб

давлатларидан олиш билан боғлиқ.

Шу туфайли Россия учун янги газ коридорларини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, Шарқ давлатларида, хусусан Хитойда ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бир қанча давлатларида газга бўлган талаб юқори даражада сакланиб қолаётганлиги ушбу бозорларга кириш пайида бўлган давлатлар сонини оширмоқда. Ушбу жараёнлар дунёда энергия ишлаб чиқаришнинг янги марказлари пайдо бўлишига сабаб бўлса ажаб эмас.

**Янги марказлар қандай  
пайдо бўлади?**

Хитойга суюлтирилган газ етказиб бериш мақсадида Қатар ўз ишлаб чиқариш хажминини қарийб 30-35 фоизга оширмоқда. Бундан ташқари, Эроннинг Парс конларида ҳам катта хажмдаги нефть ва газ захиралари мавжуд.

(Давоми 2-саҳифада)



# МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОС

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу захира форс кўрфазининг Шимолий Қатар ва Эроннинг Жанубий Парс сув худудларида жойлашганлиги ушбу давлатларни яқин келажакда энергия манбалари бозорларидаги асосий иштирокчиларга айлантириши мумкинлиги мутахассислар томонидан башорат қилинмоқда.

Газ захиралари 28 трлн куб. м ва нефть захираси 7 млрд тоннани (45 млрд барр.) ташкил қилиши мутахассислар томонидан тасдиқланган Жанубий ва Шимолий Парсдек катта марказнинг пайдо бўлиши энергия ресурсларига бўлган талаб ва таклиф кескин ўзгариб бораётган ҳозирги бир шароитда ушбу ресурсларни жаҳон бозорларига етказиб бераётган анъанавий иштирокчилар учун, шу жумладан Россия ва Қозоғистон учун (Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас) стратегик аҳамиятга эга бўлган рақобатчиларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Европа Россияга газни ўрнига муқобил таъминотчиларни топаётган бир пайтда Шарқий ва Жанубий Осиё давлатларида газга бўлган талаб деярли ўзгармасдан турибди. Лекин, нефтнинг жаҳон бозорларидаги нархи арзонлашиши Осиё ва Тинч океани худудидаги бозорларда газга, шу жумладан СТГга, бўлган талабнинг пасайишига ҳам олиб келиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Мана шундай шароитда истеъмол бозорида рақобат янада кучайишини ҳис қилган “Газпром” ўзига янги ҳамкорлар қидириши ёки эскиларига шерикликнинг янги лойиҳаларини таклиф қилиши табиий. Бундай ҳаракатлар иқтисодий нуктаи назардан бозор қонуниятларига тўлиқ мос келади.

## Эҳтиёткорлик талаб этилади

Россиянинг нефть ва газ бозорларидаги манфаатлари Қозоғистон ва Ўзбекистон билан Советлар давридан буён чамбарчас боғланган. Масалан, Россия ёқилғи маҳсулотларини Хитой бозорларига етказишда Қозоғистоннинг транспорт қувурларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Газ соҳасида эса Советлар тузими даврида марказлаштирилган инфратузилма барпо этилиб, унга Ўзбекистон ҳам газ етказиб берувчи сифатида қўшилган эди. Россияга қарши санкциялар ҳамда экспорт учун эмбарголар қўлланиши, нефть нархига юқори чегара белгиланиши ҳамда газ нархига чекловлар ўрнатилишига уринишлар бўлиб турган бир пайтда Россия газ хомашёсини сотишда Қозоғистон ва Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг янги лойиҳаларини таклиф қилмоқда. Россия томонидан билдирилаётган бундай қизиқининг асосий мақсади мамлакат газини Хитойга экспорт қилишда Марказий Осиё билан Хитой ўртасида қурилган ва фаолият кўрсатиб турган юқори қувватли газ қувурларидан фойдаланишдан иборат.

Қозоғистон ЕОИИ ҳамда КХШТ



аъзоси сифатида Россия билан нефть ва газ соҳасидаги ўзининг манфаатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб, бундай таклифга ўз муносабатини билдирди. Яъни ОАВ орқали 2023 йил 18 январь куни Санкт-Петербургда Қозоғистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Роман Скляр ва Россиянинг «Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллер ўртасида учрашув бўлиб ўтганлиги, музокаралар яқунларига кўра, томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини, хусусан, Оренбург ГЕСида қозоқ газини қайта ишлаш, Россия газини Қозоғистонга етказиб бериш имкониятлари ҳамда истикболли ҳамкорлик лойиҳаларини белгилловчи „йўл харитаси“ имзоланганлиги тўғрисида хабар тарқатилди. Шунингдек, томонлар энергетиканинг барча соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини тасдиқлаган, яъни Россия билан Қозоғистон газ транспорти тизимини модернизация қилиш, мамлакатнинг шимолий ва шарқий худудларини газлаштириш, Россия энергия ташувчиларини учинчи давлатларга ташиш ҳажмини оширишда ҳамкорлик қилиши ўзаро манфаатли бўлиши қайд этилган. Бундай келишувларни томонлар бир-бирини истисно қилувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи сифатида баҳолаганлар.

Биз бу маълумотларни муҳокама қилиш учун эмас, балки бу борадаги Ўзбекистоннинг позициясини тўғри англаб етишимиз учун келтирдик, холос.

Худди шундай, газни транспорт қувурлари орқали учинчи мамлакатлар бозорларига олиб чиқиш борасида Россия ва Ўзбекистон ўртасида ҳам тижорий манфаатларни мувофиқлаштириш борасида икки томонлама учрашувлар ўтказилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон энергетика вазири бу борада ҳуқуқатнинг расмий позициясини баён этиб, Ўзбекистон ҳозирда қўшни давлатлардан газ ва электр энергияси импорти борасида музокаралар олиб бораётганлигини, Ўзбекистон бу борада ҳамкорликка тайёр эканлигини ва бу ҳамкорлик ҳеч қандай “альянслар ёки иттифоқлар” орқали эмас, балки тижорат шартномалари, бозордаги олди-сотди операциялари орқали амалга оширилишини аниқ ва тиниқ қилиб баён этган эди.

Ўзбекистоннинг бундай позицияда туриб ҳамкорлик қирраларини белгилаётганлигининг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, газ таъминотининг техник имкониятлари борасида Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Шуни ҳисобга олган ҳолда имкониятлар ва манфаатларни баҳолаш бўйича бир қатор қўшимча учрашувлар ўтказилиши табиий. Шунга қараб трансчегаравий газ таъминотини ташкил қилишнинг амалий имкониятлари Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан чуқур урганилиб чиқилиши лозим.

Иккинчидан, газни Ўзбекистон орқали Хитойга экспорт қилиш ҳажмини ошириш бизнинг газ етказиш инфратузилмаимизни модернизация қилиш, ва ҳатто, янги газ қувурларини қуриш заруратини туғдириши мумкин. Бу эса катта харажатларни талаб этади. Бундан ташқари, дунёда юзага келган геосиёсий вазият шундайки, эртага табиий газ бозорида қандай қарорлар қабул қилиниб, санкция ва чекловлар белгиланиши мумкинлигини ва улар нима оқибатларга олиб келишини ҳеч ким олдиндан башорат қилиб бера олмайди. Шу ўринда, ҳозирча Россия газининг тўғридан – тўғри ёки транзит давлат орқали экспортга санкция ва чекловлар ўрнатилмаган бўлса-да, кейинчалик вазият ўзгариб, газ таъминоти туфайли Ўзбекистон Россияга қўйилган санкциялар таъсирида қолмайдими, деган савол туғилиши табиий.

Энергетика вазирининг расмий позициясидан, бу масалалар ҳуқуқатнинг эътиборидан четда қолмаётганлигини, бу борада етти ўлчаб, бир кесиб, жуда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўрилаётганлигини англашимиз мумкин.

## Мавжуд қувватлар кимга хизмат қилади?

Мамлакатимиз қўшни Қозоғистон ва Туркменистондан фарқли ўлароқ, бир вақтнинг ўзида тез ўсиб бораётган иқтисодий ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун четга экспорт қилинаётган газ ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлди. Бундан кейин мамлакатимизнинг газ қазиб олиш салоҳияти ошиб боргани билан иқтисодийтимизнинг газ истеъмолига бўлган талаби ҳам ортиб боради. Чунки биз газимизни нафақат иситиш ва энергетика тизимига, энг асосийси уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олувчи кимё саноатини ривожлантиришга қаратишимиз керак. Бу, юқори иқтисодий самарадорлиги инобатга олинган ҳолда, Президентимиз томонидан белгилаб берилган стратегик вазифа ҳисобланади.

Мана шундай шароитда магистрал транспорт қувурларимиздан қандай ва нима мақсадларда фойдаланиш масаласи эътибордан четда қолмаётганини кўриб турибмиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва “Газпром” компанияси ўртасида газ соҳасида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси” имзоланиши ҳам, энг аввало, Ўзбекистон миллий иқтисодийтининг манфаатларига хизмат қилади. Берилган расмий баёнотга кўра, ҳозирча Россиядан Ўзбекистонга табиий газ етказиб беришнинг техник имкониятлари муҳокама қилинган. Имзоланган “Йўл харитаси”га мувофиқ “Ўрта Осиё – Марказ” газ қувури орқали газ транзитини амалга оширишнинг техник чора-тадбирлари ўрганилади, сунгра табиий газни етказиб бериш бўйича асосий шартлар муҳокама қилинади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг мавжуд газ транспорти тизими (эгаллик ҳуқуқи ҳам бошқарув ҳуқуқи ҳам дахлсиз ҳолатда) ҳозирча ички бозордаги табиий газга бўлган талабни қондиришга хизмат қилади.

Келгусида албатта ушбу қувурларнинг транзит салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини ишга солиш ҳам иқтисодийтимиз учун ўта манфаатли иш бўлади. Бунинг бир қанча асосларини келтириб ўтмоқчиман:

«Газпром» айна пайтда Хитойга кўпроқ газни экспорт қилиш тараддудида музокаралар олиб бормоқда. Масалан, шу бугуннинг ўзида «Урал–Бу-хоро» газ қувури орқали йилига 5-10 млрд кубометр газни транзит қилиш имкони борлиги ҳақида маълумотлар бор (Россиялик экспертларнинг фикрича, кейинчалик ушбу ҳажми 30 млрд кубометргача олиб чиқиш мумкин). Ушбу газни транзит ёки Своп шартномалари асосида етказиб бериш ҳисобига ҳам мумайгина самара олса бўлади. Булар албатта шартнома тузиш бўйича ўтказиладиган кейинги музокараларда аниқланади.

Бундан ташқари, Россия Жанубий Осиё мамлакатлари — Покистон ва Ҳиндистон бозорларига ҳам чиқишни мақсад қилган. Бу борада юқорида айтганимиздек, янги ташкил бўлаётган “газ маркази” Қатар ва Эрон билан рақобатга киришиш учун Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг газ қувурларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж янада ортади. Бу лойиҳа, албатта, Афғонистондаги вазият билан биргалликда қаралиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги юзага келган геосиёсий вазиятдан ўзининг миллий манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмаётган давлатни топиш қийин. Бундай шароитда халқаро қабул қилинган нормаларни бузмаган ҳолда миллий иқтисодий учун манфаатли бўлган лойиҳалардан нега воз кечилиши керак? Мамлакатимиз ратификация қилган халқаро шартномалар ва ҳужжатлар, шунингдек, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси доирасида энергетик мустақиллигимизга зарар етказмаган ҳолда ҳамкорлик қилиш миллий иқтисодийтимиз манфаатларига мос келади.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Бюджет ва иқтисодий**  
**ислохотлар қўмитаси раиси,**  
**иқтисодий фанлари доктори,**  
**профессор**

# ПУЛНИ “СУПУРИБ” ОЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ

Супурги сотиб мошина ёки уй олса бўладими? Агар уни хорижга экспорт қилсачи? Супурги тайёрловчиларнинг қўл остида ўнлаб одамлар ишлашнинг биласизми? Бу фактларга ишониш қийин. Сабаби биз супургичиларни маҳаллаларни оралаб харидор қидирадиган касиб сифатида тасаввур қиламиз. Уларнинг яшаш тарзи, касби, даромади, режалари ҳақида деярли ҳеч нима билмаймиз. Аслида эса...

## Супургичилар қишлоғи билан танишув

Пайариқ туманининг марказидан 25 километр узоқликда жойлашган Тўполос маҳалласидамиз. Беш қишлоқни ўз ичига олган маҳаллада 4 минг 500 нафарга яқин аҳоли истикомат қилади. Қизиқ томони, бутун вилоятга сотиладиган уй супургилари шу ерда, аниқроғи, ундаги Қозокхўжа қишлоғининг тадбирли аҳолиси томонидан тайёрланар экан. 152 та хонадон, улардаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолининг деярли барчаси супурги бизнеси билан машғул.

Жараён билан танишишдан олдин ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, аҳолининг турмуш тарзи, машғулотларига қизиқдик. Тўполос маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Ойбек Аликуловнинг айтишича, маҳалла ҳудуди деҳқончилик ва чорвачиликка мослашган экан. Шу боис ҳудудни ривожлантириш драйвери сифатида деҳқончилик белгиланган. Бу ерда асосан поллиз экинлари, хусусан, мош, ловия ҳамда помидор етиштилади.

– Бу аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига тўсик бўла олмайди, – дейди О.Аликулов. – Мисол учун, ўтган йили 55 нафар фуқарога тадбиркорликни йўлга қўйиши, даромад келтирадиган ишни бошлаб, ўзини ўзи банд қилиши учун 1 миллиард 84 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилди. Бу сармоянинг асосий қисми қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Нутижада ҳудудларда саргарошхона, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконларининг сони ортиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди.

Қозокхўжа қишлоғи бу борада пешқадам. Сабаби унда юқорида тилга олинган даромад турларидан ташқари, супурги бизнеси ҳам ривожланмоқда. “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойилининг амалий ифодасини айнан шу ерда кўриш мумкин. Ўзбекистонда, бу иш пала-партиш, ким ўзарига эмас, қишлоқдошларнинг уюшқоклиги билан амалга оширилган экан. Яъни, супурги учун хомашёни олиб келишдан тортиб, уни тайёрлаб сотишгача бўлган жараёндаги барча юмушлар қишлоқ аҳолиси ўртасида тақсимланган. Асосийси, бундан ҳамма манфаатдор.

## Иш конвейер усулида амалга оширилади

Ҳоким ёрдамчиси ҳамроҳлигида қишлоқни ораладик. Очиги, кирган биринчи хонадонимиздаёқ хайратимиз ошди. Уйнинг ертўласи ҳамда ховлисида хомашё ва янги тайёрланган супургиларни сақлаш учун махсус жой қилинган. Анчагина супурги дарвозахонада тахлаб қўйилган. Шу биргина хонадоннинг ўзида мингга яқин тайёр супурги бор эди.

Бизга пешвоз чиққан Шаҳзод Жўраев дарвозахонадаги супургилар сотишга чиқариш учун хозирланганини айтди. Қолганлари ҳам талабга қараб

бир-икки кунда бозорга чиқарилар экан. Юқлар асосан эрта тонгдан олиб кетилиши сабабли биз кўриб турганимиз “хамир учидан патир” бўлиб чиқди.

Асосий иш жараёни кетаётган хонага кирдик. Узун залда ўнга яқин эркак супурги боғлапти. Улар орасида ёшлар, мўйсафидлар ҳам бор. Ортимиздан кибир келган одам ўзини сотувчи, дея таништирди. Биз супургини бир киши тайёрлайди, ҳам сотади, деб тасаввур қилдик. Амалда эса конвейер усулига ўхшар экан.

– Бир вақтлар ота-боболаримиз рўзгорга қўшимча даромад бўлади, деб супурги боғлаган, – дейди Ш.Жўраев. – Албатта, ўшанда тайёрланган супургиларни ўзлари, уйма-уй юриб сотишган. Йиллар ўтиб, бу иш такомиллашди. Ҳозир қишлоғимиздаги 20 га яқин хонадонда супурги боғланса, қолган ҳамқишлоқларимиз шу хонадонларда меҳнат қилиб, умумий ишдан даромад олади. Масалан, бизнинг уйда мавсум вақтида 20 нафаргача одам супурги боғлайди. Сотувчилар алоҳида ишлайди. Улар биздан супургини улгуржи нархларда олиб, жойларга таркатади.

Сўраб билсак, сотувчилар ҳам вилоятимизнинг ҳудудларини бўлиб олган экан. Бу маҳсулотнинг тезроқ сотилиши ва даромад адолатли тақсимланишини таъминлайди. Аҳамиятлиси, бугун сотувчилар уйма-уй юрмайди, балки супургини ўз автоуловида жойлардаги бозор, дўконларга етказишади, холос. Мана сизга бозор иқтисодиётининг кучи.

## Хомашё Афғонистондан импорт қилинади

Диккатимизни тортган жиҳат – бу супурги яшашда ишлатиладиган ўсимликнинг бошқа вилоят, хатто давлатдан олиб келиниши бўлди. Унумдор, серсув ерларимиз бўлса, нега ўзимизда экилмайди, деган савол билан қишлоқ аҳлига мурожаат қилдик.

– Супурги асосан унумсиз ерларда экилади, – дея тушунтирди О.Аликулов. – Боиси, ундан кўп даромад қилинмайди. Бизнинг маҳалла, умуман, вилоятимиздаги ерлар унумли ҳисобланади. Унда кўпроқ даромад келтирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳудудимиз серсув, намгарчилик бор. Супурги эса нисбатан қурғоқчил жойларда яхши ўсади. Яширмайман, уни ўзимизда ҳам ўстиришга ҳаракат қилдик, аммо сифати паст бўлди.

Қозокхўжаликларнинг айтишича, шу кунларда қишлоққа супурги Сирдарё, Фарғона вилоятлари, қизғич ранглиси эса Афғонистондан келтириляётган экан.

## Даромад қанча бўляпти?

Яна бир қизиқ маълумот, қозокхўжаликлар супурги ўсимлигини боғламда эмас, килограммда ҳисоблаб сотиб олар экан. Масалан, Сирдарёдан келтирилган супурги новдаларининг бир килограмми 16 минг сўмдан олинбди. 3 килограмм новдандан 4 та сурурги чиқади,

дейишди қишлоқдагилар. Супургини боғлаш жараёнини кузатар эканмиз, жараёнда анча чиқит қолаётгани, яъни новданинг узун ва семиз жойлари кесиб ташланаётгани эътиборимизни тортди. Демак уни килограммда олиш зарарига ишлар эканда, деган хаёлга бордик.

– Супургидан чиқит қолмайди, – дея гап қўшди ҳамроҳларимиздан бири ҳисоб-китобга берилиб кетганимизни кўриб. – Кесилган, синган новдалари тандирга ўтин бўлади. Улар ўзимиздан ортмайди, қолаверса, новвой, сомсапазлар ҳам тез-тез ўтин олгани келиб туради. Бундан ташқари, супургининг уруғини ҳам ажратиб оламиз. У қўйлар учун ем ўрнида ишлатилади. Хуллас, бу ишдан зарар қилинмайди.

Ҳисобли дўст айрилмас, дейди доноларимиз. Шу боис биз ҳам супурги бизнесидан қоладиган асосий даромаднинг чамалашга ҳаракат қилдик. Хуллас, хомчўтимизга кўра, уч килограмм супурги поясидан чиқадиغان тўртта тайёр супурги 12 минг сўмдан тушади. Бу фақат хомашёнинг нархи.

Супурги боғловчиларга келсак, уларга бир дона боғланган супурги учун 2 минг 500 сўмгача пул берилар экан. Ишининг устаси бир кунда 60 тагача супурги боғлайди, демак, унинг бир кунлик даромади 150 минг сўм бўлади. Ўртадаги дам олиш кунлари, тўликсиз ишланган кунларни (аҳоли супурги боғлашдан ташқари деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланади) инобатга олсак, бир ишчи ойига ўртача 3 миллион сўм ишлаб топади. Агар 2 минг 500 сўмни супурги нархига қўшсак, 14 минг 500 сўм, коммунал тўловлар, жараёнда ишлатиладиган сим ва бошқа кичик харажатларни қўшганда бир дона супурги нархи ўртача 15 минг сўм атрофида бўлади. Тадбиркор уларни шаклига қараб (супургининг нархи унинг боғлами(панжаси)нинг сонига қараб фарқ қилар экан), 20 минг сўмгача сотади.

Биз қишлоқдагилардан бир ойда ёки йилда нечта супурги сотилиши бўйича аниқ рақам ололмадик. Лекин уйда супурги боғлатадиган бир оила йилига камида 100 миллион сўм фойда қилар экан. Бу ўтин ва ем ўрнида ишлатиладиган супурги донидан ташқари даромад.

– Ишни тайёр супургиларни уйма-уй юриб сотишдан бошлаганман, – дейди Хўжақбар Султонов. – Мана 15 йилдики ўзим супурги тайёрляпман. Уйимда ҳар куни 4-5 нафар боғловчи ишлайди. Даромадим ёмон эмас, мошина олдим, уй солдим, тўй-маъракаларга етиб турибди. Хуллас, бу иш ортидан кам бўлганимиз йўқ.

## Супургини хорижга экспорт қилса бўлади, аммо...

Айни кунда Қозокхўжада тайёрланаётган супургилар нафақат вилоятимиз, балки бутун республика бўйича сотилаётган экан. Қишлоқдагиларнинг айтишича, ҳозир республиканинг фақат икки жойида, Андижон ва Самарқандда уй супургилари тайёрланади. Лекин Самарқанднинг маҳсулоти сифатлироқ бўлгани учун бозори чаккон. Сотувчилар супургиларни Тожикистонга ҳам ўтказишяётганини айтишди. Бу ҳам майликуя, ўтган йили Россиянинг Махачкала шаҳрига 10 минг дона супурги



экспорт қилинганга нима дейсиз?

– Турли давлатлардаги бозорларни ўрганимиз, – дейди Ойбек Аликулов. – МДХ давлатларида сифатли супурги талаб юқори экан. Аммо, уларга маҳсулотни тизимли экспорт қилишга тайёр эмасмиз. Сабаби супурги билан шуғулланувчилар хунарманд ҳисобланади, юридик фирмамиз йўқ. Шу боис бу йил уларни ягона кооперацияга бирлаштиришни ўйляпмиз. Бу миллий супургиларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.

## Қишлоқнинг муаммолари бор

Бу қозокхўжаликларнинг қўлини калта қилаётган ягона масала эмас. Аҳоли билан мулоқотимиз вақтида яна бир қатор муаммолар тилга олиндики, уларни ҳам эслаб ўтмасак бўлмайди. Жумладан, қишлоқ умуман газлаштирилмаган. Биз кириб кўрган хонадонларда ҳам ишчилар совуқ хоналарда ишлашга мажбур бўляётганди. Кўчалар асфальтланмаган, ёгингарчилик вақтида уларда пиёда тугул мошинада юриш ҳам қийинчилик туғдиради. Бир замонлар асфальт қилинган кўчалар эса яроқсиз ҳолатга келган ва тор. Ичимлик суви, электр таъминотидаги муаммоларнику айтмасак ҳам бўлади. Хўш, шундай шароитда тадбиркорликни ривожлантириш мумкинми?

Ёлгон бўлмаса, ўтган йили қишлоққа туман ва вилоят ҳокимлигидан масъуллар келиб, аҳоли билан учрашган экан. Лекин “Муаммоларни ҳал қиламиз, бизнесингизни ривожлантиришга кўмак берамиз”, дея ваъда берган масъуллар ҳали амалий ишни бошламапти. Тўғри, тадбирли қозокхўжаликлар қараб тургани йўқ, лой қўчаларга шағал ётқишияпти, имкон қадар шароитини яхшилашга уринишяпти. Бироқ ҳудудда уларга боғлиқ бўлган, “катта”ларнинг аралашуви билан ҳал бўладиган масалалар ҳам бисёр.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтишимиз лозим. Тўғри, вилоятимизда Қозокхўжага ўхшаш салоҳиятли қишлоғу маҳаллалар кўп. Лекин негандир улар ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Жумладан, супурги ишлаб чиқарувчилар маҳалласини топишимиздан олдин, масъулларга “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили йўлга қўйилган маҳаллани топиб беришларини сўраб бир неча мартаба мурожаат қилдик. Ҳеч ким “йўқ”, демайди, кутасиз, аммо натижа йўқ. Бу айни тамойилнинг ижроси фақат қоғозларда бўлаётганини аниқлатмасмикан? 50-60 йилдан бери супурги ишлаб чиқарадиган, тайёр бизнес лойиҳаси бор қишлоққа “эътибор” шунчалик бўлганидан кейин, қолганларини тасаввур қилаверинг. Йўқдан бор қилолмас эканмиз, борини ривожлантиришни ўйлайлик.

Аскар БАРОТОВ.

(Боши 1-саҳифада)

Истиклол жаллодлари Туркистон мухториятини ҳам, мадҳиясини ҳам узил-кесил махв этишнинг, тарихий хотирамиздан бу воқеликни ўчириш учун курашнинг бошқача йўлига ўтишди. Тарихдаги ўта ғирром кураш. Ўз юртини, озодлигини, динини ҳимоя қилганларни чопиб, босмачи деб ҳақоратлаш. 1918 йилнинг февралда конга ботирилган Туркистон мухторияти. 115 йиллик масофа тарихимиздаги бу фожиадан, оғриқдан бизни ажратиб турибди. Айнан шу фожиадан сўнг миллат қайта уйғонди. Ватани, озодлиги, иймони ҳимоясига чиқди. Тарихчилар бу саҳифага оид кўп тадқиқотлар қилишган. Мен ҳам уларнинг изланишлари, тадқиқотларини, шунингдек кўлимга тушган айрим манбаларни ўқиб, ўрганиб, таҳлил қилиб, айрим мулоҳазаларимни юртдошларим билан баҳам кўрмоқчиман. Бўғзимни куйдириб келаётган “босмачи” сўзи, ҳақоратига қарши ўларок нималарнидир қоралашга уриндим.

### Ҳарбий матбуот ва фитна

“Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш вақтида бундай газеталарнинг (ҳарбий нашрлар назарда тутиляпти, муал. изоҳи) сони 20 дан ортган эди. Газеталарининг мавжуд сонларини тадқиқ этганимизда, уларнинг асосий вазифаси Туркистонда қизил армияни ташкил этиш, “босмачиларга” қарши курашишда аскарларни ҳарбий ва маънавий жиҳатдан тайёрлашга ғоявий кўмак бериш ҳамда қизил армия сафларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришдан иборат бўлган, деган хулосага келдик”. Тарихчи олим Нодирбек Хамаев “Ўтмишга назар журнали” нинг 2019 йил 10-сонидан чоп этилган “Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаркат ва ҳарбий матбуот” номли мақоласида буни қайд этиб ўтган.

Ҳақиқий босқинчи киму, озодлик учун курашган ким? Буни яхши биламиз. Келинг, ҳолис позициядан ҳам қараб кўрайлик. Яъни шўро зиёлилари, мафкурачиларининг ўзлари бу воқеликка берган изоҳларида кўриб чиқайлик.

Буни дастлаб Нодирбек Хамаевнинг мақоласидан келтириб ўтамиз. Туркистон қизил аскарларнинг мафкуравий қуролларидан бири бўлган “Еженедельник политработника” газетасида “босмачилик” ҳаракати вужудга келиши таҳлил қилинади. Большевикларнинг ҳарбий коммунизми, озиқ-овқат развёрткаси каби моҳиятан мустамлакачилик сиёсати бунга сабаб бўлгани ёзилади. Балким бу соғлом фикр, ҳолис муносабат ҳарбий цензура назоратидан четда қолгандир? Нега бу фикр айтилди? Мазлумларни ўйлабми? Ачинганиданми?

Йўқ, аслида шўро мафкурачилари оловга керосин сепмаслик учун, курашнинг бошқа йўллари топиш учун газетда ора-сира бундай фикрларни берган. Назаримда миллатни яна тобе қилиш учун бошқача йўл тутиш кераклиги фикрини шакллантиришга уринишган.

Яна “Еженедельник политработни-

ка” ҳарбий нашрига қайтамиз. Олимпнинг ёзишча, 1921 йилдан чоп этилган мазкур газетдаги ўша мақолада Фарғонадаги кураш партизанлик ҳаракати деб номланади. Унга қарши қизил армия нотўғри усул қўллаётгани танқид қилинади. Қизил армия мағлубияти “босмачи” ларга халқ хайрихоҳ эканлиги билан изоҳланади.

Шунинг ўзи ҳам айтиб турибди. Бу ҳаракат миллий озодлик учун кураш эканлигини шўролар яхши англашган. Хўш, нима қилмоқ керак? Қилич қилолмаган ишни қандай тўғирлаш мумкин? Шунда ғоявий кураш йўлига ўтилади. Истиклол учун курашаётган туркистонликларни шу йўл билан мағлуб этишни ўйлашади.

Бунда чуқур ўйланган фитна бор эди. Нодирбек Хамаев ёзишча, ўша



## ТУРКИСТОНЛИК — ШОНИМИЗ, ТУРОНЛИК — УНВОНИМИЗ

### қонга қоришган мадҳия

пайтда Фарғона ҳарбий инқилобий кўмитаси раиси бўлган Ю.Кирш муаммони очик тан олиб, Фарғонадаги миллий озодлик ҳаракатини қурол кучи билан тўхтатиб бўлмастлигини, халқни “босмачи” ларга қарши қўйиш, уларни бездириш йўли билан бунга эришиш мумкинлигини айтган. Қарабсизки, муаммо ҳарбий матбуот кун тартибига қўйилади. Туркфронтнинг потирлаб ҳарбий нашрлари чоп этила бошланади. Турли миллат вакиллари билан иборат бўлган қизил армия кўшинларининг руҳини кўтариш учун матбуот — мафкура кўшини жангга қиради.

### “Правда” босмаган ҳақиқат

Навбатдаги мисолга юзланамиз. Бу арман миллатига мансуб Георгий Сафаровнинг “Колониальная революция (Опыт Туркестана)” (“Мустамлака инқилоби”) (Туркистон тажрибаси)) китоби. Китоб 1921 йилда чоп этилган.

Аввало инқилобчи ҳақида қисқача маълумот берсак. У 1891 йилда Санкт Петербургда арман-польяк оиласида туғилган. Инқилобчиларга қўшилиб, яширин партияларга аъзо бўлади. Кувғинда юради. 1917 йилдан “Правда” газетасида фаолият юритади. 1918 йилда Уралда чоп этиладган газетга бош муҳаррир бўлади. 1919 йилда Туркистонга юборилади. 1920 йил ёздан Туркбюро аъзоси этиб сайланади. Олдиндан шўро сиёсатига бироз мухолифат қайфиятида бўлган.

Интернетда инқилоб “дохийси” Лениннинг Г.Сафаров ҳақида билдирган бир фикри эътиборни тортди. Бу “Правда” газетасининг 1921 йил 2

сентябрь сонидан олинган. Яъни унда “дохийнинг” шундай сатрлари келтирилган: “Ўртоқ Г.Сафаров менга 21 VIII. 1921 да ёзишча, “Правда” газетаси тахририяти унинг Туркистон ҳақидаги мақоласи баҳсли бўлгани учун чоп этишдан бош тортган экан. Менга мазкур мақолани йўллашингизни сўрайман”. Шўроларнинг асосий матбуот органи иккиланганми, демак мақолада большевикларнинг Туркистонда олиб бораётган сиёсатига тегиб кетадиган нимадир бўлган. Ўша нимадирга биринчи калит унинг китоби бўлди. Иккинчиси мухолифатчи экани билан боғлиқ масала. Маълумотларга кўра, мухолифатда бўлгани учун бир неча бора уни қамашади. 1942 йил 16 июлида НКВД махсус йиғилиши қарори билан акси-

ри, хусусан Туркистон масаласидаги адолатсизлиги уни қийнаган бўлиши мумкин. Алалоқибат қатл этилиши бу фикрни исботлайди.

“Правда” газетасидаги бизни қизиқтирган фикрларини китобидан излаймиз. Китобнинг 90-бети. Муаллиф “босмачилик” ҳаракатини бир томондан миллий озодлик учун кураш, “Кўкон мухторияти” ни тор-мор этиш замиридан ва алалоқибат мустамлака бемазагарчиликларидан келиб чиққан дейди. Бошқа томондан иқтисодий инқироз, очарчилик, Фарғонадаги пахта етиштириш билан боғлиқ жараённинг издан чиқишига боғлайди. Яъни бойлар моддий аҳволи ёмонлашгани, мардикор, чоракор ва ишчилар маошсиз қолиб кетаётгани билан буни изоҳлайди. Давом этаётган мустабид сиёсат қишлоқ хўжалигини хонавайрон қилганди. Эътибор беряпсизми? Келтирилган барча сабаблар миллат курашининг моҳиятини кўрсатиб беради. Шунча зулмга қарши нима қилмоқ керак эди? Яна қамига “босмачи” деган тамгани босишади. Қанчалар тубанлик...

Китобни ўқишда давом этаман. Муаллиф босмачиликка қарши кураш биринчи кунлардан мураккаб бўлгани, негаки курашаётганлар партизанлик ҳаракатини олиб боришгани ва халқ уларни қўллаб-қувватлаганини ёзади.

### “Босмачилик” ва мустамлакачилик

Мухолифатчи, шўролардан алами бор бир кимса ёзса, ёзибди-да, дейишга шошманг. Айнан ўша пайтларда матбуотда Г.Сафаровнинг фикрларини қўллаб мақолалар чоп этилганига нима дейсиз?!

Масалан, тахаллуси Дарвеш бўлган, асли исми-шарифи Н.Тўракулов ва Г.Скалов “Замонавий босмачилик” деган мақола эълон қилишган. Олим Н.Хамаевнинг ёзишча, унда муаллифлар “босмачилик” ҳаракати совет ҳокимиятининг ўлкадаги нотўғри сиёсати туфайли деҳқон хўжаликларининг вайрон бўлиши оқибатида келиб чиқди, деган фикрни илгари суришган.

Г.Скаловнинг фикрлари янада кескинлашади. У Фарғонадаги қуролли курашнинг иқтисодий-ижтимоий сабабларини очиб беради. Яъни “босмачилик” қа совет ҳокимиятининг аҳоли мулкани зўрлик билан тортиб олиши, тунаши ва мустамлакачиликка асосланган сиёсати сабабларини ёзади.

Бу 100 йил олдин айтилган фикрлар. Буни миллат озодлиги учун курашган боболаримиз эмас, уларнинг жаллодлари айтган. Ҳарҳолда фитна бошида турганларга “барака топгурлар, бошқа йўллар билан ҳам эгиб олсак, озодлик учун кураш оловини сўндирсак бўлади” демоқчи бўлишганми? Мантлик шундай хулоса беради.

Бизга эса бу борадаги баҳс қизик эмас. Фактларнинг ўзи қизик. Босмачи ким, деган саволга беихтиёр мустабидларнинг ўзлари берган жавоби қизик. Ҳарҳолда ақли-хуши жойида одамга буни изоҳлашнинг ҳожати йўқ.

**Алижон САФАРОВ,**  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори, доцент



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.

Ижтимоий тармоқларда онасига “тез ёрдам” чақирган йигит “нега бемор аёл эканлигини билдириб сен келдинг”, дея эркак шифокорни дўстлагани ҳақидаги видеоларга эълон қилинди. Бу завқланиб томоша қиладиган ёки оғизни тўлдириб “болабди азамат” дейдиган хушхабар эмас.

Аксинча, йигитнинг ғирт фаросат-сиз эканлигидан далолат берувчи, унга нисбатан нафрат, ҳатто қахр-ғазаб уйғотадиган ҳолат. Ўша йигит тиббиётда аёл беморга аёл, эркак беморга эркак шифокор қараши лозимлиги тўғрисида қонун-қоида биздагина эмас, бутун дунёда йўқлигини билармикан? Йўқ, билмайди! Билганида ёрдамга келган инсонга қўл кўтармаган, уни иззат-ҳурмат билан бемор ҳузурига бошлаган бўларди. Қани айтингчи, йигит шундай қилиши мумкинми? Мумкин эди. Нега қилмади? Чунки, у ахлоқ-одоб тушунчаларидан анча узоклашган, шу боис бўлса керакки, инсонийлик доирасидан чиқиб иш тутишга ўрганган кўрилади. Хўш, йигитнинг шундай характерга эга эканлигини оила аъзолари, кўни-кўшни-ю, маҳалла-қўй билмасмиди? Билмаслиги мумкин эмас. Ҳамма бало, “мен сенга тегмай, сен менга тегма”да. Бундан қутулмас эканми, маънавиятнинг бир-биримиздан ибрат олишимиз мумкин бўлган гўзал жиҳатларидан йироқлашиб бораверамиз.

Биламан, мақолани ўқий бошлаган одам ўша зўравон йигитга ўхшаган бўлса, ўйламай-нетмай “дўхтирларнинг ёнини оладиган қахрамон пайдо бўлиб-дими?” дейиши турган гап. Йўқ, мен бу мақолани шифокорнинг тарафини олиш учун эмас, балки оддий бир инсон, оддий бир қаламқаш сифатида ўз муносабатимни билдириш учун қўлимга қалам олдим. Чунки, кейинги вақтда гоҳ уни, гоҳ буни баҳона қилиб, шифокорнинг оғзи-бурнини қонатадиган, йиқитиб олиб тепкилайдиганлар ахён-ахёнда бўлса-да, ўзларини кўз-кўз қилиш учунми, ёки “менинг нималарга қодирлигимни жумлаи-жаҳон кўриб кўйсин” деган маънода, андишасиз, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, жирканч қилиқларини интернетда намойиш этишдан уялмаяптилар. Нега? Чунки қилгиликни қилган бундай кимсалар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идоралар вакиллари иштирокида жамоатчилик ўртасида тавбасига таянтирилиб, қонун доирасида умри бўйи изза бўлиб юришга мажбур қиладиган жазога тортилаётганлар.

Мана энди ўзингиз айтинг, биз қаламга олган йигитнинг онасига чақиртирилган “тез ёрдам” шифокори қалтак ейман деб келганмиди? Йигит мен онамни сизга кўрсата олмайман деса шифокор у билан ёқавайрон бўлармиди? Йўқ албатта. Шифокор рад жавобини ёздириб олиб, изига қайтиб кетаверарди. Шу билан тамом. Олам гулистон. Аммо, йигит бу билан онасининг дардига малҳам бўла олдими? Йўқ! У бир йўла икки жиноятни содир этди. Бир шифокорни ургани бўлса, иккинчиси уни беморга яқинлаштирмагани. Худо кўрсатмасин-у, беморга бир қор-қол бўлса, йигит кимни айбдор қиладиган? Ўзини ёки шифокорни? Албатта шифокорни-да. Шифокор айбдор бўлмаса-да, идорама-идора югур-югурдан тинка-мадори қуриб, асаби бузилиб, оқибатда соғлигини ҳам йўқотган бўларди. Афсуски, бугун бундай сарсон-саргардончиликни ҳар қадамда кўриш мумкин. Мен ҳам шифокорга, ҳам онасига жабр қилган йигитга ўхшаганларни маъмурий органлар вакиллари иштирокида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деганимда кенг жамоатчилик айнан шу гапдан воқиф бў-

лиши кераклигини назарда тутган эдим.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Шифокорни нега беморга нотўғри ташхис қўйдинг деб юзига тарсаки тортсак, нега кераксиз дориларни ёзиб бердинг деб оёғимиз остига олсак, нега оладиганини олиб, беморни аввалги ҳолидан баттар қилиб бердинг дея оғиз-бурнини қонга беласак, адолатли иш қилган бўлаимизми? “Ҳа!” деб жавоб берадиган бўлсак, унда қонун нимага керак? Биламан, қонун ишламагандан кейин шундай йўл тутишга мажбурсан-да, дегувчилар йўқ эмас. Унутмангки,



қоғозда турган қонун ўзидан-ўзи ишламайди. Уни ишлатиш керак! Агар уни сиз ишлатмасангиз, сизга қарши ишлатишади. Ўшанда шифокорга нисбатан қилган зўравонлигининг бир пул бўлиб қолади. Қонун ноҳўя хатти-ҳаракатининг ўз тарозисида тортиб, сизни жазога маҳкум этиши тайин.

Энди тиббиётимиз ва унинг нони-ни еб турган шифокорларимиз ҳақида. Сир эмаски, халқимиз азал-азалдан шифокорларни қадрлаб, иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб келган. Чунки, шифокор борки, устидаги оппоқ халатига доғ туширишни ўз касбига, қабул қилган қасамёдига хиёнат деб билган. Беморни дарддан халос этиш унинг бурчи, энг асосий вазифаси ҳисобланган. Шу боис бўлса керакки, беморни даволашда ўзининг ҳақиқий “жангчи” эканлигини амалда кўрсатиш учун жон куйдирган ва бунинг уддасидан чиққан ҳам. Бу эса шифокорнинг кадр-киммат-у, эъзозга муносиб кўрилишида асос бўлган. Фикрим қуруқ бўлмаслиги учун битта мисол келтираман.

Ўткан асрнинг етмишинчи йиллари эди. Тошкент чет тиллар институтида ўқийдиган жиянимни шифокорга кўрсатиш зарур бўлиб, ўша пайтда ягона тиббий олий ўқув юрти ҳисобланган ТошМИга бордик. Институт билан унга қарашли бўлган касалхона бир жойда эди. Жарроҳлик бўлимининг шифокорлари-ю, олимлари томонидан синчиклаб ўрганилган бемор йигит машҳур профессорлар нигоҳидан ҳам ўтказилгач, масала операцияга бориб такалди. Ҳаётда мураккаб бўлган бу ўта масъулиятли операция эллик ёшлардаги ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган, мовий кўзли, хусни ва қомаги ўзига қуйиб қўйгандек ярашиб турган рус профессор аёли (исми-шарифи ёдимда қолмаган) зиммасига юкланди. Операция саккиз соатдан зиёдрок давом этди. Мен кун бўйи бутун фикри-хаёлим жиянимда бўлиб, ич-ичимдан зил кетган-

ча ташқарида у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турдим. Ниҳоят мени палатага таклиф этишди. Юзи ва кўкрак кафаси қон сингиб қолган доқа билан ўралган жиянимни кўриб кўркиб кетдим. Профессор бемор бирор соатдан сўнг хушига келишини айтиб, мени даҳлизга бошлади. Маълум бўлишича, беморнинг чирий бошлаган жағ суяги ўрнига кўкрак кафасидан олинган суяқдан жағ ясаб қўйилган, кўкрак кафасидаги бўш жой қандайдир материал билан беркирилган, бу заргарона иш шифокордан қанчалик билим ва тажриба, маҳорат ва жасорат, масъулият ва сабр-тоқат талаб қилишини тасаввурга сиғдиришнинг ўзи бўлмайди. Чуқур миннатдорчилик билан айтиш мумкинки, ўшанда про-

фессор жиянимга ўз ўғлига қарагандек қаради. Аммо, на ўзи, на бошқалар тама учун ҳатто ишора ҳам қилгани йўқ. Чин юракдан айрилган “раҳмат” билан кифояландилар. Бу мўъжизавий операция хотирамда муҳрланиб қолгани учунми, нимадир сабаб бўлиб ёдимга тушганда ҳозир шунақа профессорлар бормикан деб ўйлаб қоламан. Чунки кейинги йилларда бошқа соҳалардаги каби тиббиётда ҳам қатор-қатор фан докторлари-ю, профессорлар кириб келди. Натижани эса кўриб турибсиз.

Хуллас, жияним институтни битириб, кечга қадар мактабда франсуз тилидан ёшларга сабоқ берди, узок йиллар ўзи таҳсил олган мактабда директорлик қилди. Ҳозир пенсияда. Қатор-қатор набиралар бағрида. Кексалик гаштини сурапти.

Ростини айтганда бундай мисолни ўнлаб эмас, юзлаб келтириш мумкин. Нега юзлаб? Чунки ўша давр тиббиёти ходимлари ичида шифокорлик касбини улуғлаган, оқ халат ва оқ қалпоқ кийиб, беморларга беқиёс қувонч бахш этишни бахт деб билганлар на фақат пойтахтда, вилоятлар-у, туманларда ҳам бисёр эди. Уларнинг инсофли, виждонли, ор-номусли эканлиги касбига бўлган садоқатида, айниқса, беморга меҳрибонлиги, самимийлиги, талабчанлиги-ю, қатъиятлигида яққол кўриниб турарди. Тўғри, улар орасида академик ва профессор деган юксак номга сазовор бўлганлар санокли бўлиб, уларнинг шогирдлари ўзларидан қолишмас, кейинроқ кўпчилигига устозлари мартабаси насиб қилган эди. Ўз соҳасида мактаб яратган ўша улў устозларнинг шогирдлари тиб илми равнақи йўлида ҳамон ҳормай-толмай ишлаётганликларидан, бой билим ва тажрибаларини изларидан келаётганларга сингдираётганларидан қувонмай бўлмайди. (Мен уларнинг бирларини хурсанд қилиб, бирларини ранжитмаслик учун исм-шарифларини келтиришдан ўзимни тийдим. Бунинг учун узр сўрайман.) Яхши биласиз-

ки, ўқитувчи, агроном, муҳандис, боринги, тикувчидан тортиб тўқувчигача янглишиши ва буни кечириб мумкин. Чунки, уларнинг хатоларини тузатиш имкони бор. Лекин, шифокорнинг янглишишига ҳаққи йўқ. Чунки унинг хатосини тузатиб бўлмайди. Шифокорнинг иши инсон ҳаёти билан боғлиқ. Инсон ҳаёти билан эса ҳазиллашиш ҳам, ўйнашиш ҳам мумкин эмас. Муҳтасар қилиб айтганда, шифокорнинг хатоси беморни ё майиб-мажруҳ қилади ёки ҳаёт билан видолашишига сабаб бўлади. Бу янги гап эмас. Шу боис уни билмайдиган шифокор ҳам бўлмаса керак. Унда нима учун кейинги йилларда тиббиётимиз ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча оқсаб қолди? Бу ҳеч кимга сир эмаслигини кундалик ҳаётда кўриб турибмиз. Қузатувларимиздан шундай хулосага келиш мумкинки, соҳанинг олий ва ўрта махсус ўқув юртига коррупция деган бало чирмовукдай ёпишди. На фақат институтга, коллежу лицейга кириш ҳам пул бўлди. Бир амаллаб имтиҳондан ўтишдан тортиб, стипендияга илиниш учун яхши балл олиш ҳам мулла жирингсиз бўлмади. Бу эса беморнинг шифокорга кўринишидан то касалхонада даволанишигача бўлган жараёни ўз гирдобига тортди. Яъни пул бўлса, чангалда шўрва ичадиган бўлдингиз. Шўрва эса татийдиган бўлмади. Шу тарика соҳанинг тамағирлигу порохўрлик кириб бормаган бирон бир тармоғи қолмади. Охир-оқибатда оқ халатлининг қора иши юзага келди. Бундан ҳам даҳшатлиси соҳада дипломли саводсизлар кўпая борди. Унда билимдон, тажрибали, ҳалол шифокор ва олимлар қаерда қолди? Ишлаётганлари шу ерда –тиббиётимизнинг ямламай ютадиганлари ичида. Буёғини тушинтириш шарт бўлмаса керак.

Маълумки, бошқа соҳалар қатори тиббиёт ҳам давлатимиз эътиборидан қолгани йўқ. Уни энг замонавий даволаш усуллари билан жиҳозлаш, хорижнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш, ташаббускор ва фидойи кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган қатор қарорлар-у, кўрилган амалий чора-тадбирлардан кўз юмиб бўлмайди. Соҳани тараккий эттириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай қарорлар ижросини таъминлашда бир ёқадан бош чиқариб ишланганида давлатимиз раҳбари тиббиётдаги ачинарли аҳволни қаттиқ танқид қилмаган ва мавжуд камчиликларни бартарф этиш бўйича аниқ топшириқлар бермаган бўларди.

Афсуски, биз “қор ёғди, излар босилди” га ўрганиб қолганмиз, шекилли. Ҳалигача айрим жойларда “тез ёрдам” хизматида ҳозиржавоблик ва беморга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш кўнгилдагидек эмаслиги, поликлиникаларда эскича иш услуби давом этаётганлиги, талай шифокорларнинг билим ва тажрибалари, ўз йўналишларидаги янгилардан хабардорликлари бугунги талабга жавоб бермаслиги соҳада ислохотлар жадал олиб борилаётганлигининг натижасими? Мавжуд камчиликлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлибгина қолмай, тортишувлар жанжалгача бораётганлигини интернет тармоқларидаги аянчли лавҳалар ҳам тасдиқлаб турибди-ку, ахир. Шундай экан, касалнинг иситмаси ошқор қилишини кутиб ўтирадиган вақт эмаслигини унутмайлик!

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

*Чет тиллар институтини битирган қизим умида (барча исми-шарифлар ўзгартирилган) ортида қолган йилнинг декабрь ойи бошларида Китоб тумани Хонақа қишлоғидаги 76-умумтаълим мактабига ишга кирганди. 24 декабрь шанба куни мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Беҳзод Самандаров шу мактабда ишловчи турмуш ўртоғимга телефон қилиб: “Саида пластик карта олдимиз? Бугалтир шошилинч сурштиряпти, бутун мактаб жамоаси ойликсиз қолиши мумкин, тезлатинглар”- дея буйруқ берди.*

Душанба куни эрталаб қизим билан 27 км йироқликдаги Агробанкнинг Китоб тумани филиалига жўнадик. Йўлда кетяпмиз-у, аёлим менга, сал ўтиб эса, қизимга телефон қилиб шоширади. “Нима бўлди, ҳали етмадингизми, бугалтир завучни еб ташлади. Маошсиз қоласилар деб зуғум қияпти...” Шунча тезлашгани билан маош кейинги ойнинг 5-6

1-курсда берилган ва барча нусхаларига Дилбузарга топшириб бўлинган экан.

4 январь куни кечга яқин ҳисобчи аёлимга телефон орқали ариза ва шартнома нусхасини “срочний” етказишни сўрайвергач, ранг қути ўчиб эсини йўқотган аёлнинг қўлидан телефонни олдим. “Домулло, опа тушунмаяптилар, ҳеч бўлмаса

ман. Охири, 2016 йил март ойи бўлса керак ҳисобчидан банк ходимининг менга айтган “имтиёз”и ҳақида сўрадим. “Бекор айтишибди, даромад солиғи тўлиқ олинади, ушлаяпман”- деди Дилбузар.

2017-2018-2019 йиллари кетма-кет уч фарзандимиз шартнома асосида ўқишга кириб бизни жуда шошириб қўйишди. Аёлим сира маош олмас, мактаб ҳисобчиси орқали навбати билан ўқув муассасаларига пул ўтказардик. “Энди келманг, қарор чиқяпти, биз орқали ўтказсангиз ҳам даромад солиғи олинади” - деди Дилбуз ариза билан борганимда. Икки ойлар маошни картага туширдик. Кейинроқ эса, бу гапи ёлгонлиги маълум бўлди.

2019 йилда турмуш ўртоғимнинг октябрь ойи маошини ўқишга ўтка-

ювиладимизми?” - сўрайман турмуш ўртоғимдан. - Қаёқда, сув секиб су-пурилади. Чунки айрим жойлари, айниқса иккинчи қават поли куми чиқиб кетган. Эшик, деразалар ичка-рисини ўз ёнимиздан бўёқ олиб бўямиз. Лекин иккинчи қават ташқисини бўяш қийин. 2021 йил Президент сайлови олдидан сайлов участкаси рўйхатида олинган аксарият мактаблар таъмирланди. Биздан қуйи қишлоқдаги, рисоладагидек ҳолатда бўлган 75-мактаб ҳам қайта таъмирланиб янада чирой очди. Кўпқари деса дунёни унутадиган, от устида уриб кетган директоримиз эса, мактаб таъмирига жон койитишдан кўра, сайловни мактабдан сал наридаги қишлоқ врачлик пунктида ўтказишни афзал кўрди. Бу мактабда уюшган жиноятчилик бор! Кўпдан буён тарғиботчи ишларкан мактабимизда. Болаларни қўятуринг, хатто ўқитувчилар танимади. Умуман келмай маош оларкан. Бу каби сохта, мактабда қорасини кўрсатмай маош ёзиладиган, буйруқда турган бошқа ходимлар, хатто ўқитувчилар бор. Биз, - ишлаб турган ходимларни “райОНО” тарификациядан аранг ўтказгандан нолишади. Хайронман, “йўқлар”ни қандай ўтказишади?

Мен 2019 йилдан буён синфимда ўттиз нафар болани ўқитаман. Бошқа мактабдаги ҳамкасблардан суриштирсам, гуруҳида 15-17 нафаргача ўқувчи борлигини айтишади. Янги ўқув йилида 1 - синфга 36 нафар ўқувчи келиши кутилмоқда. Раҳбаримизга от, кўпқари бўлса, “фалон жойда зўр бия бор экан, пул бўлганда олардим” каби бемаъни гурунг бўлса, етарли. Бу даргоҳ йилқичилик билим юрти, ё отхона эмаску!

2022 йил сентябрида мактаб котибаси “берасизми?” дея айрим ўқитувчилар розилигини олиб, қанақадир рўйхат тузаётган экан. “Сиз бермайсиз, шу сабаб директор сизни қўшма деган”- деди сўраганимда. Маълум бўлишича, махсус қарорга кўра 1 октябрь байрамида мактаб ходимларига 400 минг сўмдан бир марталик пул ажратилган. Бизнинг мактабда кимки ўша пулнинг ярмини директорга беришга кўнса, рўйхатга қўшилаётган экан. Ўша пул, ярмига кўнганларга чиқиб менга чиқмагач, директор қабулига кирдим. Г. Юлдошева билан сизга янги йил олдидан чиқариб бераман, бўлмаса” - деди у узоқ тортишув, асабузарликдан сўнг. Бу каби ёлгон ваъдаларга мактаб жамоаси кўп бора гувоҳ бўлган.

“Менга директор фондидан ёрдам деб икки ярим миллион сўмга қўл қўйдириб, бир сўм ҳам бермади ноинсоф”- дейди бошланғич синф ўқитувчиси Г.Бобоева. - О. Қодиров ҳам мендан кейин қўл қўйганди унга ҳам бермабди...”

- Бўлди-ей, роса ҳасратга тўлиб турган экансанда! Сендан мактаб поли ҳақида сўраб балого қолдимку, - дедим аёлни гапдан тўхтатиб. - Энди сени бу арзи ҳолингни бирор нашр босади деб ўйлайсанми? Кўрамизда...

Абдор АСРОРОВ

## ЭГАСИЗ ҚОЛГАН МАКТАБ

шартнома сони ва университет ҳисоб рақамини ташлаб юборинг, аризани кейин олиб келаверасизлар...”

- Нега шоширасиз, январь ойлиги февралнинг беш-олтиларида ўтадику. - Мен декабр ойлигини ўқишга ўтказяпман! - Ие, декабрдан бизга аванс ташлагансиз, даромад солиғи ҳам ушлагандирсиз? Биласиз, биз доим тўлиқ ойлик ўтказамиз, яримта эмас. Декабр ойлигини пластикка ташланг, биз январь маошини ўтказишни режаллаганмиз...

- Пул ўтиб кетди, энди иложи йўқ!

- Қанақасига ўтиб кетади, қўлингизда ҳисоб рақам, шартнома, ариза йўқку! - дейман фиғоним ошиб. Унинг яримта маошни ўтказиб юбориб бизни шунчаки зир югуртириб, лақиллатиб ўтиргани ошкор бўлиб қолганди.

- Домулло, шу гал келишайлик, - бироздан сўнг, ялтоқи тулқитовуш эшитилди телефонда.

- Йўқ асло! Чунки бу биринчиси эмас, иккинчиси ҳам эмас! - кўнмадим. Орадан сал вақт ўтиб ҳисобчи завучнинг картасига 20 минг сўм ташлабди, бизга етказиш учун. 6 январда аёлимнинг картасига 15567 сўм тушганидан хабар топдик. Бу қанақа пул, Дилбузарнинг ўзи биларди. Юқоридаги ҳолат эса ростдан ҳам биринчиси эмасди. 2015 йил февралда ўғлимнинг ўқишига минг оврагарчилик билан таълим кредити олдим. “Кредит фоизини, кейинчалик тўловини ҳам бухгалтерия орқали ўтказсангиз, маошнинг банкка тўланган қисмидан даромад солиғи олинмайди, конун бор”- тушунтирди Агробанк ходими. Бир йил кредит фоизи ва тўловини Д.Қайсаркулова орқали ўтказдим. Ҳар ой ҳисобчига ариза, шартнома нусхаси топшира-

зиш учун ҳисобчига олдидан ариза бериб тайинлаб қўйгандик. Кутилмаганда картаимизга пул тушди. “Билмай ташлаб юборибман, келинлар гаплашиб оламиз” - деди ҳисобчи ариза берганимиз, пулни ўтказиш зарурлигини такрор эслатганимизда. Эр-хотин бориб келиши 55 км масофага йўл олдик. “Пластикни бериб кетинглар, ўзим банкка ўтиб ўқишга ўтказиб юбораман” - деди ҳисобчи бизга рўбарў бўлганда. - Даромад солиғи ушлагандирсизда? - Ҳечқиси йўқ, икки юз, уч юз минг бўлар. Ҳали февралгача кутинглар, солиқ идораси орқали шу пулни чиқариб бераман, йўли бор, - айёрона кўз қисади Дилбуз. Иложсизмиз, кутамиз. Февралда эса, кўп бора қор ёғиб излар босилган бўлади. “Мен чиқариб бермайман, ўзларингиз қиласиз елиб-югуриб, қўлингиздан келса”- аёлимга энди бепарво сўз қотади ҳисобчи. Аёл солиқ идорасига боради. Қийин, жуда қийин. Эртаси мен бораман. Бир олам ҳужжат, “ўн бешигача улгуринг”. Йўқса, йўқ! Бўлмайди, бўлмайди. Макр, тулкилик енгаверади... Биз, мамлакатимиз раҳбарияти фарзандларини ўқитаётган оилаларга берилган имтиёздан фойдаланганимиз келади. Д. Қайсаркулова эса, йиллар давомида имкони борича бунга қаршилик қилиб келади. Нега?

Қишлоғимиздаги 76-умумтаълим мактабининг ҳолати ҳам қоникарли эмас. Қурилганига чорак асрдан сал ошган бинолар қаровсизлиги бир кўришдаёқ сезилади. Сифатсиз ғиштлари ивиб, нураб бораётган спорт залидан узоқроқ юрган маъқул. Эски русумдаги деразаларнинг ташқи қисми бўёқсизликдан қорайиб, тоб ташлаб турибди. Синф хоналар таги (поли) зах, бетон. “Пол



чи кунлари тушса, банк соат тўққиздан иш бошласа, ҳисобчи ҳали уйдан чикмай хўжасининг ёнбошидан сизларга дўк уряптими?” дегинг келади-ю ўртада юз-хотир бор. Банк иш бошлагач, аксига олиб тизим ишламаса денг. “Баъза ишламаяпти, кутяпмиз!”- чўғ устида тургандек жавоб қиламиз кетма-кет бўлаётган кўнғироқларга. Ниҳоят соат 11ларда қизимга карта учун икки кундан кейин келишини айтиб, очилган ҳисоб рақамини телефон тасвирига олиб беришди.

Ҳисобчилар хонасида 76-мактаб ҳисобчиси Дилбузар Қайсаркулова ҳамкасблари билан бемалол гап сотиб ўтирган экан. У қизимга ҳисоб рақам билан иш битмаслиги, одамларнинг ҳисоб рақамдаги пуллари йўқолиб қолаётганини, картани олгач, келиб кўрсатиб кетишини тайинлаб, гапи охирида 20 минг сўм “ташлаб” кетишимизни сўради. “Баъзадан бир ҳужжатни тортиб олармиш”- деди қизим қайтаётиб сўраганимда.

Аёлимнинг январь ойи иш ҳақини ТошДўТАУ 4-курс талабаси, кичик қизим Гулрангнинг ўқиш шартномасига ўтказишни ўзаро келишиб қўйгандик. “Икки кундан сўнг”, 29 декабр куни, Саида банк ва ҳисобчига учрашиш учун жўнаётганда онаси унга январь ойи маошини синглисининг ўқишига ўтказиш ҳақидаги аризани ҳисобчига бериб қўйишни тайинлаб жўнатди. “Шартнома билан олиб келинсин!”- дебди Д. Қайсаркулова аризага киё боқмай. Гулрангга шартнома варақаси факат



# “Менга не ишқу, не ошиқ, ҳавасдур...”

(Боши 1-саҳифада)

Улуғ амир даромадининг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий курган 52 работ, 20 ховуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни тилга олади. Алишер Навоий ҳақидаги манбаларда шоир ўзи курдирган мадраса, шифохоналарни керакли жиҳозлар билан жиҳозлатган, фаолият бошлаган биноларни мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаган. Ўқитувчи ва талабалар, шифокорлар фаолияти давомида ойлик маош, озуқа, кийим-бош, талабалик нафақаси олишлари учун вақф ерлари ажратган. Уларнинг фаолиятини эса ўзи назорат қилиб турган. Навоий ўз жамғармаси ҳисобидан Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида ана шундай 300 дан ортиқ иншоот курдирган. Шунингдек, Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисолалар битилишига бевосита сабабчи бўлган.

Алишер Навоийнинг мулоҳазаларини ҳаёт манзаралари билан ҳаммоҳанг мушоҳада қиларканмиз, беихтиёр улуғ мутафаккир шоир асарлари, улардаги ҳикматомуз фикр ғоялар ҳар биримизга доимий ҳамроҳ эканлигига иқрор бўламиз. Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, Ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олган.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда улуғ шоир ҳайкали ўрнатилди, асарлари тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилди. Улуғ бобомизнинг муаззам меъморий

ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиблар хиёбони барпо этилди.

Мамнуният билан таъкидлаш жозик, 9 февраль — шоир таваллуд топган сана адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонланмоқда. Навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказиб келинади. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинишида ҳам буюк мутафаккирга, улкан адабиётимизга, маънавиятимизга бўлган катта эҳтиром ва эътибор мужассам. Зеро, қарорда янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасини яратишда Навоийнинг бой меросидан унумли фойдаланиш мақсад ва вазифалари уйғунлашган. Қарорда Алишер Навоий асарларининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги бекиёс аҳамияти таъкидланган. Шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил қилиш, Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш каби салмоқли вазифаларга урғу берилган. Шунингдек, хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш, улар асосида шоир асарларининг мукамал илмий нашрини, ижодий меросининг шарҳини яратиш ишларини якунига етказиш ҳамда уларни “Навоий ва ёшлар” махсус дастурига жойлаштириш каби ишларга ҳам катта аҳамият қаратилган.

Дарҳақиқат, маънавият илдизи неча минг йиллик ҳаётий тушунчалар ва қадриятларимизга бориб тақалади. Тарихимизни, аждодларимизнинг ҳикматга бой меросини ўрганишимиз ўзгиримизни чуқурроқ англашимизга, ёшларни аждодларга муносиб равишда тарбиялашимизга асос бўлади. Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ўз замонасининг улуғ ва шарафли кишилари билан бир муҳитда улғайиш,

уларнинг аксариятидан устоз-шогирд асосида илм ўрганиш бахтига мушарраф бўлган. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Насойим ул-муҳаббат” рисолалари ниҳоятда муҳим манба бўлиб, ўша давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мингга яқин киши ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жам этган. Шунингдек, ислом даври маънавиятининг бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида ҳам кўплаб назарий мулоҳазалар мужассамлашган. Ҳазрат Навоий ижодининг авж нуқталари ҳисобланган “Лисон ут-тайр”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хазойин ул-маоний” асарлари миллий маънавиятимизни холис англаб етишда бугунги авлодлар учун беназир манба ва асос бўлиб хизмат қилади. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ажойиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик даври нодирликлари”), “Бадоеул-васат” (“Ўрта ёш кашфиётлари”), “Фавойид ул-кибар” (“Кексаликдаги фойдали мулоҳазалар”) номлари билан аталган Чор девони инсон умрини тўрт фасл: баҳор — болалик, ёз — навқиронлик, куз — ўрта ёш ҳамда киш — кексалик, яъни донишмандликка ажратиб, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусиятларини, маънавият мағзини чақиб беради. Чор девонни мутолаа қилган инсон ҳаёт фалсафасини англаб етади ва умр аталмиш неъматнинг нечоғлиқ ғаниматлигини ҳис этади.

Хулоса сифатида шунини айтишни истардимки, халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган мақол бор. Дунёнинг турли мамлакатларида кескин курашлар кетаётган, рақобатлар кучаяётган бугунги даврда, тинчлигимизни барқарорлаштиришимиз, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлашимиз орқали мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз, тараққиёт сари собит қадам қўйишимиз учун маънавиятимиз юксак бўлиши керак. Мутафаккир бобомизнинг, “Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур, агар мен одам ўлсам, ушбу басдур” деган мисралари бор. Навоийни ўқиш ва уқиш фарзандларимиз тасаввуридаги даҳо шоиримизни уларнинг тафаккурига кўчиришга, авлодларнинг аждодларига муносиб бўлиб етиши хизмат қилади.

**Бўри ҚОДИРОВ,**  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази ҳузуридаги  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтининг бўлим бошлиғи.

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари  
вазирлиги.

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар

ҳаракати —  
Ўзбекистон

Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон

Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон

Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир

Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятининг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-210

Адади: 1012.

Пайшанба кунини чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетаниннг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
71-233-72-77,  
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6



# ҲАЁТ САБОҚЛАРИ



Янги йил байрами арафасида яхши укаларимдан бири устоз журналист, адиб Маматқул Ҳазратқуловнинг яқинда чоп этилган “Китобим ичра сен борсан” деб номланган китобини совға қилди. Ушбу китоб ҳақида ҳамкасбларимдан илиқ гаплар эшитгандим. Ундан ўрин олган ҳикоя ва лавҳаларни устознинг телеграм каналида ўқиб бораётгандим, энди китобдан ўқиш имконияти тузилгани учун хурсанд бўлдим.

Байрам кунлари китобни ўқиб чиқдим. Бундан олдин, аниқроғи 2022 йилнинг октябрь ойида Маматқул ака эллик йиллик календардан дўстлари Эркин Аъзам ва Усмон Азим билан Самарқандга ижодий учрашувга келганда дастхат ёзиб берган “Гладиолус” ва Озарбайжон халқ ёзувчиси Анарнинг асарлари таржима қилинган “Албатта учрашамиз” китобларини ўқиб, улардан уйғонган хайрат ва ҳаяжон билан юрганимда бу китоб устознинг ижоди ҳақидаги таассурларимни яна ҳам бойитди.

Дарвоқе, Маматқул аканинг ушбу китоблари, шунингдек, “Икки соҳил” ҳам у киши 75 ёшга тўлган йилда нашр этилди.

Умуман олганда, 2022 йил устоз учун сермахсул бўлди. Аммо, йил бошида ярим асрдан ортиқ бирга яшаб, ҳаётнинг кўп паст-баландлини кўрган, синов ва машаққатларни бир-бирларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатлари билан енгиб ўтган (булар ҳам ушбу китобларда ҳикоя қилинган) умр йўлдошининг вафоти устозга қаттиқ таъсир қилди.

Яхшиям, шундай пайтларда устозга фарзанду набираларининг, атрофидаги яқинлари ва дўстларининг эътибори, меҳри далда бўлди. Қолаверса, у кишининг китобга меҳр қўйгани, ўзи таъкидлаганидек, бўш вақт бўлди, дегунча китоб мутолаа қилиши ҳам оғир дамларда қўл келди.

Бу ўринда мен устознинг ижодкор дўстлари, сафдошларини алоҳида таъкидлашни истардим. Йил давомида ижодий уюшмалар, ташкилотлар томонидан қаерда, қандай учрашув ва суҳбат ўтказилмасин, албатта, Маматқул акани таклиф қилиб, бирга борганларини кўрдик, дилкаш давраларига гувоҳ бўлдик.

Узокқа бормайлик, юқорида қайд этганим – ўтган йил октябрь ойида Самарқандда бугунги ўзбек адабиётида ўз ўрнига, ўз сўзига эга ижодкорлар Эркин Аъзам ва Усмон Азим иштирокида ўтказилган учрашувлар ҳам аслида Маматқул Ҳазратқуловнинг жомбойлик ижодкор ёшлар билан учрашувда берган ваъдаси бўйича ташкил этилган.

Улар вақтини қизганиб ёки бошқа баҳона билан шу учрашувларга келмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо дўстларининг – Маматқул аканинг ёш ижодкорларга берган ваъдаси устидан чиқиши учун вақт топишди, бир эмас, бир нечта учрашувлар ўтказишди. Ва эътиборлиси айнан Эркин Аъзам ва Усмон Азим, гарчи Маматқул ака эътироз билдирган бўлса-да, бу тadbирлар баҳона сафдош дўстлари бу йил 75 ёшга тўлганини алоҳида қайта-қайта таъкидлаб, унинг ижоди ва юксак инсоний фазилатлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди, ижодий учрашувлар нишабини шу томонга ҳам буришди.

Мана буни календарларнинг чинакам одамийлиги деса бўлади!

Бир йилда тўрт китобнинг нашр этилиши-да ҳам шу дўстларнинг далдаси, қўллаб-қувватлаши катта туртки бўлганини ўша учрашувларда устоз алоҳида таъкидлаганди.

Мен бу китобларга киритилган ҳикоя ва киссалар, эсселардаги айрим эпизодларни у кишининг суҳбатларида, хотиралари ҳақида

сўзлаб берганида эшитганман. Шунинг учун мутолаа чоғида гўёки бу китобларни ўқимадим, уларнинг ҳар бирини устознинг ўзидан эшитгандек бўлдим.

“Бир тилим қовун ёхуд олтмиш йиллик командировка”, “Чироқ ўчмаган кеча” киссалари, деярли барча ҳикояларда Ургутни, устоз туғилиб ўсган тоғ этагидаги Мингбулок кишлоғини, Тахтиқорача довоини ва бу масканнинг бағрикенг, самимий одамларини кўрдим.

“Икром” ҳикоясидаги қарийб эллик йил мактабда ўқитувчилик қилган Алмат Муродовнинг умрнинг кузи, уни пайкаганлар ва пайкамаганлар борлиги ҳақидаги қарашлари ҳам кишини эътиборсиз қолдирмайди.

Китобларга киритилган қисса ва ҳикоялар орасида анча олдин, собиқ тузум даврида ёзилганлари ҳам бор. Лекин негадир, уларда ўша даврда талаб қилинган социалистик реализм услуби ёки мафкура таъсири сезилмайди. Бу билан асарлар қайта ишланиб, бугунги даврга мослаштирилган, деган фикрдан йироқман. Чунки, асарнинг ғояси, мафкурасини кичик тузатишлар билан бутунлай ўзгартириб бўлмайди, барибир қайсидир элементларда, сюжетларда ўзини кўрсатиб қўяди. Назаримда, Маматқул аканинг ўтган асрда ёзилган асарларида ҳам инсонийлик, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат, оилавий қадриятлар биринчи ўринга қўйилган, улугʻланган. Бу қадриятлар эса ўлмас ва адабийдир.

“Чироқ ўчмаган кеча” қиссасида собиқ иттифок кўшинлари аскарлари ва афгон йигити ўртасида кечган суҳбатга эътибор қаратайлик. Мана шу қисса бахсадек ушбу юртдаги урушнинг асл моҳияти очиб берилган, назаримда.

– Ҳамманг бир гўрсан, сенам, анавиларам – баринг шўравийсан. Нимага бошимизга қурол кўтариб келасанлар?

– Сизларга эмас, йўлда душман чиқиб қолмасин, деб ҳар эҳтимолга қарши олганмиз бунди.

– Ким душман? Ким душман? Сен душман! Манавилар душман! Бировнинг юртига бостириб кирган одам душманми ё юртини босқинчилардан мудофаа қилмоққа отланган киши душманми?..”

Хўш, бу қадриятлар Маматқул аканинг қалбига, асарларига қандай сингган бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб ҳам китоблар катта яширинган. Болалиқдан китобга меҳр қўйиши, раиснинг фарзанди бўлса ҳам камсукум ва илмталабни, адолатпарвар ота ва фарзанларига бутун борлигини бағишлаган меҳрибон онанинг тўғри таълим-тарбияси, увол ва савоб нималигини ўргатгани Маматқул аканинг давр эмас, адабиёт кишиси бўлишига хизмат қилган.

Биз кўпинча раҳбарларни давр юзага чиқаради, мафкура тарбиялайди, деган гапларни айтаемиз. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАга раҳбарлиги чоғида устоз ҳақида ҳам айримлар шундай фикрларни кўпайтди. Мамлакат бошқаруви маҳкамасининг раҳбари сифатидаги фаолиятини турлича талқин қилишди. Ваҳоланки,

Маматқул ака собиқ иттифок даврида республикамиздаги энг нуфузли нашрлардан бўлган “Ўзбекистон маданияти”, кейинча “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида кўп йил фаолият юритган. Ўз даврининг катта-катта ёзувчи ва шоирлари, журналистлари билан бирга фаолият юритган, етук санъат ва маданият намоёндалари билан ҳамсуҳбат бўлган. Агар мафкура, асл миллий қадриятлар, ғоялар нималигини билмаганида ўша давр таъсиридан чиқиб кета олмасди, юрак ютиб фикр билдирмасди. Аксинча, у киши мустақиллик туфайли мамлакатнинг бош ахборот идорасида ишлаган пайтида мустақилликнинг кадр-қиммати нималигини яхши англаб буни бошқалар онгига синдиришга ҳаракат қилди. Юрт ичида ҳам, ташқарида ҳам мустақил Ўзбекистон шайни, обрўси учун сиёсатчилардан кам бўлмаган тарзда курашди.

Бу ҳақда гапирганда устознинг 1994 йил апрель ойида Москвада ўтказилган МДХ давлатлари ахборот агентликлар раҳбарларининг учрашувидаги қатъиятини эслашни жоиз деб ўйлайман. Ўшанда Маматқул ака ёш мустақил давлатнинг мустақил ахборот агентлиги қандай фаолият олиб бориши кераклигини “катта оғалик” макомидан тушишни истамаётганларга кўрсатиб қўйган ва бундан собиқ иттифокдаги бошқа ахборот агентликларни ҳам андоза олган эди.

1997 йилда Қоҳирада ўтган “Миср ва МДХ давлатлари ҳамкорлиги” мавзуидаги халқаро конференцияда эса Маматқул аканинг мисрлик маърузачининг нотўғри маълумотларига эътироз билдириб, бу фикрларга аниқлик киритишни талаб қилиши, акс ҳолда Ўзбекистон делегацияси анжумани тарқ этиши ҳақида гапириши учун кишида қатъият ва жасорат билан бирга аввало юксак ватанпарварлик ҳисси бўлиши кераклигини кўпчилигимиз яхши англаймиз. Ушбу конференциядаги гап-сўзлар устоздан олдин Тошкентга етиб келган ва катта-кичик давраларда турлича талқин қилинган. Аммо барибир устознинг тутган йўли маъқулланган.

Германия элчиси билан бўлган суҳбатда ҳам ана шу ватанпарварлик, давлат хизматчисига хос юксак маҳорат ва дипломатия яққол ўз аксини топган. Йўқса, мустақил бўлганига эндигина уч йил тўлган давлатнинг ҳали ўз йўлини топиб улгурмаган ахборот агентлиги раҳбари дунёнинг тараккий этган давлатлари қаторида саналадиган Германиядек мамлакат элчисининг фикрларига эътирозини асослаган ҳолда билдириб, кескин гапирмаган бўларди.

Эндигина дунёга юз тутаётган, ҳали кўпчилик билиб-билмай турган давлатнинг бош ахборот идораси раҳбарининг бу каби хатти-ҳаракатлари, халқаро анжуманлардаги чиқишлари, ёзган мақола ва очерклар, албатта, Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида Ватанинг бир фидойиси қўшган улкан ҳиссадир ва бу хизматлар давлатимиз, халқимиз томонидан эътироф этилиб, қадрланиб келмоқда.

2009 йилда Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони яқинида собиқ иттифок даврида қурилган улкан музей биноси бузилади деган бўлди.

Аслида, ушбу музей биноси аввалги тузум даврида аждоқларимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятининг бир намунаси бўлган

Регистон мажмуаси салобатига соя солиш мақсадида қурилган (шундай мақсад бўлмаганида буюк жаҳонгир Амир Темура раси яқинида, шаҳар ўртасида спирт заводи қурилмаган бўларди). Бу бинодан ташқари мажмуа атрофида яна бир нечта ресторан, савдо маркази, автошоҳбехат, кинотеатр кад ростлаганди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу иншоотларнинг барчаси навбати билан бошқа жойларга кўчирилди. Тарихий обида атрофи очила бошлагач, музейни ҳам бошқа жойга кўчиришга қарор қилинди. Ўшанда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида бу ҳолат турлича талқин қилинди. Гўёки Ўзбекистонда маданият бойликларига эътибор жуда ёмон, мана музей бузиб ташланди, деган маънода чиқишлар кўпайди.

Гарчи бу чиқишлардан мақсад-муддо аниқ бўлса-да баён этилган ҳолатларни ўрганиш мақсадида Маматқул Ҳазратқулов ЎзА бош директори сифатида ва у кишининг ўринбосари Аҳмаджон Тошхўжаев Самарқандга келишди.

Дастлаб улар музей жойлашган худудни бориб кўришди, музей ходимлари, вилоят ва шаҳар раҳбарияти, тарихчи ва музейшунос олимлар билан суҳбатлашди, маҳаллий аҳолининг фикрларини эшитишди. ЎзАнинг вилоятдаги муҳбири сифатида уларга ҳамроҳлик қилиб, суҳбатларда билдирилган фикрларни ён дафтаримга қайд қилиб боравердим. Шу ҳақда мақола тайёрлашди топширилса керак, деган ўйда эдим. Лекин устоз ҳеч нарса демади ва “эртага таҳририятда гаплашамиз” деди ва улар меҳмонхонада қолишди.

Эртаси кунни эса директор ва ўринбосари “Зарафшон” газетаси таҳририятида кеча кўрган-эшитганлари, бино тарихи ва бугунги билан боғлиқ маълумотлар асосида каттагина мақола тайёрлашди. Бу мақола ЎзА сайтида ва бир қатор нашрларда чоп этилди. Шу билан ҳар хил гап-сўзларга нукта қўйилди.

Устоз бу топшириқни ўринбосарлари ёки бош муҳаррирларга бериши, пойтахтда туриб, шу материални ёздириши ёки ёзиши мумкин эди. Лекин гап юрт ва миллат шайни, аждоқлар мероси ва унинг кадр-қиммати ҳақида борар экан, у киши бундай йўл тутмади ва ўзи кўриб, одамлар билан гаплашиб, мақола тайёрлади.

Менга ўн йилдан кўпроқ вақт устоз қўли остида, ЎзАнинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири сифатида ишлаш насиб этди. Ана шу йиллар давомида Маматқул акадан нафақат журналистика бўйича, балки ҳаёт сабоғини ҳам олдим.

Устознинг янги китоблари ҳам ана шу катта сабоқ вазифасини ўтамоқда.

Ғолиб ҲАСАНОВ.